

БОЛАЛИК — УМРНИНГ БАҲОРИ БАҲОР — ТАБИАТНИНГ БОЛАЛИГИ... ҲИСЛАР УЙҒОНАДИ БУ ЛАҲЗАЛАРДА.

Бу кунлар сенга муборак, ёш кўнгиллигим. Тонгда уйғониб, қирдай яланг ва соф юрагингга камалак қиё боқиб турганига кўзинг тушади. Ер қаъридан замин устига элчи бўлиб келган гулкачкар ҳавасингни қитиқлаб, ҳайратингни уйғотади. Тўқсон кун зулмат қафасида хаёли занглаган борлиқ бугун инқилоб ясаган. Ҳайратининг ҳали музи эриб улгурмаган, бироқ ниятининг тафти-ҳовури билан кўкка ўрлаб ётган пўртаҳол далага чопиб кетади. Биламан, ҳолдан тойиб йиқилгунча югуринг, адоқсиз хаёллар билан, гўзал орзулар қуршовида қадрдон юртингни табриклагинг келади. Бир пайтлар Ҳазрат Навоий — ўсмир

тушуниб, ичдан хўринавераман, хўрлигим келаверади. Гўрлигимда ўрлигим билинаверади. Бироқ Баҳор тасавури ҳақидаги ожиз ақлимнинг жайдари, бола ўйлари юрагим хоналарини ҳаяжонга тўлдириб ташлайди.

Баҳор. Баҳорнинг биринчи кун. Бу тилсим, бу инқилоб нимани билдиради. (Илтимос ёш дўстим, сен ҳам менга кўшилиб, ўз тасаввурингни ишга сол). Ишонаманки, нигоҳинг олдидан ўтадиган маназаралар меникидан-да гўзал, соф, маҳобатли ва гаройиб шакл ва мазмун касб этади. Ахир, сен мендан кўра баҳорга яқинроқсан. У олдин сенинг юрагингга бўйлайди. Кўнглинг

қаноти.

Баҳор — ҳайратлар пойгаси.

Ҳаяжонлар карвонининг ўтадиган қутлуғ лаҳзалари... Буни қони қайнаган, жони қувончдан бўғзига келган ҳар дил шарҳлашга ишқибоз чиқади. Лекин бу тилсимнинг сирини очишга қийналади. Қийналиб — роҳатланади.

Бу кун, келатган кунлар аввало сенга-да қутлуғ ва азиз бўлсин, ёш кўнглим — ёш дўстим.

Турналарнинг “қур-қур”, оҳанги заминни кўкаришга чоғлаган кўклар даракчисидек деҳқоннинг ниятларини ҳам йўлга солади. Чўпон қўй-қўзиларини унга руҳан қўшиб, яйловга ҳайдайди.

Буни айрича, ҳеч баҳорга боғлиқсиз деб тасаввур қилиш гўрлик.

Энг аълоси барча тозаради. Олам

Баҳор — ҳур нуёни

Алишер ҳаяжонга гарқ бўлиб, кўкариш келиши билан ўзини йўқотиб ўзлигини топиб оларди, ва кўнглининг минг хил фаслларини тадқиқ этишга тушиб кетарди. Ахир бекорга ул зот умрнинг улугъ фасли деб баҳорни билмаган ва уни гунчанинг очилишига қиёслаб, борлиқнинг шодлик онларига ёймаган — “Ғаробус сигар” деб атамагандир-да.

Кўзининг қувончига биринчи келиб бобо офтоб тўқнашади. Фалакнинг ҳеч йиқилмас байроғи — шамс, бу меҳр сайёраси сени-да ҳайратга солади, қувончга ошуфта этади. Ойдинлик адолатнинг тангрисидек тасаввур беради. Ахир у ҳаммага баробар. Ҳаммага оға. Бироқ қаҳратоннинг қаҳри, заҳар-заққум баҳри унида осмондаги бир тошга айлангириб қўйган, тирикликка разм солишига йўл қўймаганди. Гўё қуёш ҳам совуқ ва бемехр ҳолга келганди.

Бугун эса унинг боқиши, ҳарорати тамоман бошқача, жилмайиши тамоман бўлак йўлдан келади.

Баҳорнинг биринчи кун. Мен “баҳор” сўзининг лугавий маъносига ҳеч тушунмайман. Қанча ўйласам ҳам у Илоҳнинг ерга тушириб юборган каломидай яралишининг асл маъноси тилсимлигича қолиб келаверади. Ва унга ҳеч қачон ақлим етмаслигини

далаларини кезиб орзуларинг куртагини туртиб уйғотади. Ҳавасинг чўққисидаги атиргул хатини қўлингга тутқазди.

Баҳор. Баҳорнинг биринчи кун... Ўрта ёшлик ва қариликнинг баъзи эътиборсиз назарича у оддий бир кун туюлади. Хотира суратларига боқишлари билан эса бу назар бирдан тўлқинланиб кетади ва ўзлари оддий деб билган кунларининг жўн онларида ҳеч ҳам таналарида сезмаган қон кўпиради, бу шодиёна юраклардан юракларга чопади.

Бу баҳор эсга солган болалик — ёшлик қудрати, ёш хотира хаёлда бир умрга муҳрланган баҳорнинг суратлари эмасми?

Ҳали ўз хаёлларининг султони бўлган ёзади:

*Сиз қозисиз,
Ҳаммасига розидирман.
Овласам бас,
Ковласам бас,
Ўз кўнглимни
Ҳали тупроқ
Ҳали осмон,
Ҳеч нарсамас
Бир баҳорда енга олсам
мен ўзимни!*

Нега бошқа фаслни танламади истак?

Бошқа фаслда ҳам ўзини енгишга — англашга шайланса бўлмайдими? Бўлади-куя.

Лекин баҳордан қутганчалик бўлмайди!

Баҳор — мўъжизалар кони.

Баҳор — мисли кўрилмаган орзулар

*Варраklar осмонга
солинган кўприк,
Зардолу панжаси
қонаган уфқ.
Булувлар югуриб —
ҳориган хўтик
Қирларнинг
лабидан ичаман қўшиқ.*

Бу ҳайратлар гирдобиди инсонга баҳорнинг берадиган энг улугъ тухфаси нима? Шубҳасиз УЙҒОНИШ!

Шу боис ҳам фасллар ичида кўнгли бор, юраги тирик, орзулари чарх урган инсонга энг қадрлиси баҳор!



*Билмам, билолмайман,
тилсими надир,
Йиғлаб қувончимга
биродар абр.
Менинг юрагимни
софлади сабр
Куртаклар хайқирар,
айқиргин сен ҳам
Эй, муслим, журъатли
ям-яшил сўхтама.
Такрор-такрор ўтди
раъногул баъзи,
Пистоқи ҳавасда
Армоннинг расми.
Кўлингдан тутмоқчи
исенинг дасти
Куйла, йўнаб киргин
субҳат хаёлига
Фақат йўнаб чиқма
БАХТ деворига.
Мен ҳам бир йўловчи,
бир баҳодурман,
Баъзида қиш янглиқ —
ҳур қаҳқордирман.
Сен фақат енгувчи —
баҳодирдирман,
Остонанда кўклар,
йўлингга кўклар,
Юрагингга кирсин
юракли бир дам.*

Вафо ФАЙЗУЛЛО

Демократия ҳам шундай, у даҳолар, донолар, саркардалар, шоирлар, олимларнинг билими, ақлу заковати, ҳаёт тажрибасидан пайдо бўлганки, буни сабоқларимиздан билиб оласиз.

“Демократия нимадан бошланади”
2-БЕТ.

Мен ҳам унга гойибона ошиқ эдим. Лекин унга ҳеч вақт айтмаганман, айтолмаганман, негаки, айтгану мактуб ёзганлар қанча эди. Ҳаммасига жавоб битта бўларди: “Йўқ”!

“Ишқнинг номига келган
мактублар”
3-БЕТ.

Оқ чойшабин ёзганда оқ тонг Юмуқ кўзлар очилди бир-бир. Соат янграб урар тинмай бонг Тонгга жоним бўлсин пайваста.

“Тонг кўз очди уйқудан тиниб”
4-БЕТ.



Демократиянинг сабоқ мактаби

Болалар! Сиз демократиянинг нима эканлиги ҳақида ҳеч жиддий ўйлаб кўрганмисиз? Демократик давлат нима ва унда кишиларнинг қандай қонуни ва тартиблар асосида яшаб, фаолият кўрсатишлари ҳақида-чи? Келинг, сизни кўпма кўп қийнамайликда, лўнда таъриф келтирайлик. Демократия — асли грекча сўз бўлиб, демос — халқ, кратия — ҳокимият маъноларини англатади. Яъни, халқ ҳокимияти, гражданларнинг озодлиги ва тенглиги принципларини эълон қилишга асосланган сиёсий тузум формасидир бу. Яна демократия озчиликнинг кўпчиликка бўйсинишини, давлат

ҳокимияти асосий органларининг сайлаб қўйилишини, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар мавжудлигини кўзда тутади.

Бу ҳақда фикр юритишимиз бежиз эмас, албатта. Яқинда өзүвчи Акбар Юнусов ўзининг "Демократия нима?" номли янги китобини ёзиб тугатди. Муаллиф сизга "Бойишни истасангиз", "Эшоннинг саргузашилари" китоблари ва "Қачалподдон билан Бичахон" номли музыкали драмаси билан таниш ҳам. Акбар ака бу гал эса демократиянинг ўтмиши, маъноси, унинг олий қонуни тўғрисида фикр юратади. Қуйида эса биз шу китобдан парча эълон қилаётимиз.

Акбар ЮНУСОВ

ДЕМОКРАТИЯ НИМАН ДАН БОШЛАНАДИ?

Катта ёшдагилар демократия ҳақида кўп гапиршади, мактабишади, бахшлашади, гоҳида аразлаб, бир-бирига хўмрайиб ҳам юришади.

"Америкада демократия бор" дейишади. Қизиқ бу демократиянинг ўзи нима? Унинг қандай оҳанграбоси ёки каромати борки, ҳамма унга ишқивоз?..

Ҳар қалай демократия нима эмас, балки математикадан ҳам кучлироқ, кенгроқ ва чуқурроқ фанки унинг кучкувати амалда намоён бўлади.

Демократия ҳар бир миллатнинг энг олий ислоҳат — қадриятларини олам тан олиб, ҳурмат қилишдан пайдо бўлади. Хўш, энди демократиянинг фан эканлигини исботлайлик.

Аввало бир савол: математика фанининг ихтидорчиси ким? Бу борада оламдаги ҳамма миллат қанчалик бахшласин, ҳаёт тамом бўладики — бахс тамом бўлмайди, чунки математиканинг яратилишида ер юзидаги бир неча миллат даҳоларининг ҳиссаси бор.

Пифагор, Архимед, Ал-Хоразмий, Лапале, Лобачевский... ана кўрдигизми — улар турли миллат вакиллари. Демак, математика — бу бутун инсоний фандир.

Демократия ҳам шундай, у даҳолар, донолар, саркардалар, шоиблир, олимларнинг билими, ақлу заковати, ҳаёт тажрибасидан пайдо бўлганки, буни сабоқларимиздан билиб оласиз.

Демократиянинг ўз олтин қонуни борки, уларни ҳеч ким, ҳеч қачон инкор қилмаган, ҳамма уларга итоат этган.

Ҳақиқатнинг бахс ва қиёслада ҳалол қарор топиши эса ҳамма замонларда демократиянинг асосий мезони бўлган.

Бахс чоғида ким ўзини оғир, вазмин тутиб, доно сўзлаб одоб

сақлаган бўлса, ютган.

Қиёслада энг мақбул номзод тасдиқ топган.

Демократия ҳақида шу тарихи узок фалсафа ўқиш, ва билимдонлик қилиш мумкин. Яхшиси, келинг, уни турли воқеа ва муносабатларини тарих ва сиёсат сахнида ўрганиб, ўртоқлашайлик. Сабоқларимиздан гарчанд тайёр демократ бўлиб қолмасангизда у ҳақда бошлангич маълумот олишингизга ишонамиз.

САРДОРНИ САЙЛАШ

... Душман сақлар қабиласига хужум қилди. Кучли, сара кўролланган саноксиз қалхатлар тўдаси мисол куюндек епирилиб ҳаммаёқни ендириб, бузиб, қарши чиққанларни ўлдириб, бош эгганларни қул қилиб, чорва ва мол-мулкларни талаб келаяпти.

Тенгсиз жангда янчилик чекинган бир тўда сак жангчилари ҳориб, чарчаб массагетлар қабиласига бош эгиб келади... Қолаверса, улар кадимда бир уруғ бўлиб яшаганлар. Энди нима қилмоқ керак? Душманга бош эгиб хорлик ва ҳўрликда яшаб, ўлишлик еки биллашиб жанг қилиш?! Жанг: майли душман билан курашда қанчамиз ўлсак ҳам қолганлар хур яшасин! Офарин, аммо лашкарга ким бошчилик қилади? Ким саркарда бўлади? Шу савол билан улар бир жойга тўлланиб, бирма-бир ўз номзодларини кўрсатади.

— Сақлардан сайлансин. Сафимизда бизнинг қабиламизнинг жангчилари энг кўп.

— Массагетларда энг ўткир мерган Фаррух бор.

— Йигирма жангда голиб чиққан лашкарбоши Фрад сайлансин.

— Шошманг, ким юз минг душманга ўн минг лашкар ила жангга кирган ва уни ҳаммоёга ўтишга мажбур қилган? Ким уч кунлик қамалга дош берган?

Дорбозлар қишлоғи

Чуст туманидаги Гова қишлоғини одамлар "дорбозлар қишлоғи" деб тилга олишади. Бу бежиз эмас албатта. Бундан ўн йиллар бурун қишлоқда уста номини олган Аҳмаджон ака Нурматов ҳе йўқ, бе йўқ дор ташкил қилишга киришиб кетди. Еки бир жойга борганда нега бундай қарорга келгани ёлғиз ўзига ва худога аён. Ушанда жуда кўпчилик кинояли жилмайиб қўйганди: "Туя ҳаммомни орзу қилибдида" дегандай. Лекин Аҳмаджон ака юрагида қўри бор одам эмасми, ўнга яқин беиш юрган ёш-ялангни

тўплаб, ишни қизитиб юборди.

Қишлоқнинг атрофи осмонўпар тоғлар билан ўралган. Уша тоғлар орасидан яхши бир жойни танлаб, кўздан панароқда машқларни бошлади. Аввалига қийин бўлди, ахир ота-бобонг дорбоз ўтган бўлса ҳам бир нави. Лекин "астойдил йиғласанг, суқир кўздан ҳам ёш чиқар" деганларидек, тинимсиз машқлар туфайли кўча чангитиб юрган ҳалиги болалар хаш-паш дегунча тузуккина дорбозга айландилар. Полвонларнинг ҳам билакларига гойибдан бир куч келгандай бўлди. Масхарабоз ҳам чакки чиқмади. Ва, ниҳоят, ҳамқишлоқларга биринчи томоша тақдим этилди. Уйинни кўрган қишлоқдошлари уларга тан бердилар. "Оббо бўларканей" деб хижолатли жилмайишди бир пайтлар ишонмаганлар ҳам.

Бугун эса шу қишлоқнинг ўзида иккита дорбозлар гуруҳи бор. Аҳмаджон аканинг шоғирди полвон Аҳмаджон Раззоқов бундан уч йил бурун устандан рухсат олди. Алоҳида оилавий гуруҳ тузиш нияти борлигини айтди. "Укаларим ёш, суяги қотмасдан йўлга солиб олсам" деди. Яхши устоз шоғирд қаногини қайирмайди. Аҳмаджон ака ҳам шоғирдига парвозинг баланд бўлсин, деб оқ фотиҳа берди.

Шоғирднинг парвози ёмон бўлмади. Асосан ҳали мактаб даргоҳини тарк этмаган болалардан иборат бўлгани учунми гуруҳ ўзига жуда тез йўл топди. Бугунги кунда бу гуруҳда Аҳмаджоннинг укалари Расулжон, Ҳосилжон, Акрамжон ва қизи Шахлоў ҳамда масхарабоз Илҳомжон Роҳаталиев, шунингдек, мусақачилар ўз санъатларини элу юртга сидқидилдан намойиш этиб келмоқдалар.

Қачон йўлингиз тушиб Чустга бориб маданият ва истироҳат боғини зиёрат этгудек бўлсангиз, Аҳмаджон Раззоқов бошлиқ дорбозлар гуруҳининг ажойиб ўйинларига гувоҳ бўласиз. Гуруҳ асосан ёшлардан иборат. Кўпи ўсмир ёшлар. Шунинг учун унинг келажаги порлоқ бўлишига шубҳа йўқ. Дорбозларнинг энг кичиги Шахлоў эндигина етти ёшга қадам қўйди. Ҳозирда у ўзи мустақил дорга чиқиб, ажойиб ўйинлар кўрсатмоқда. Биз ҳам бу гуруҳнинг йўли ойдин бўлишини ва ҳаммаша эл эъзозидан бўлишини истаб қоламиз.

Ҳ. Мирзааҳмедов.

Диққат! Диққат!

Халқ таълими Вазирлиги Республика ўқувчилар техник ижодиёти Маркази, "Тоғ юлдузи" ва "Азия-юлпресс" газеталари иштирокида спорт-техникасининг ихчам тайёрасозлик тури бўйича спорт мусобақаси ўтказилади. Бу мусобақа шу йилнинг 6-8 май кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ҳозирданоқ ана шу тадбирни ўтказиш учун қизғин тайёргарлик бошлаб юборилган. Уйлаймизки, техник ижодиётга қизиқиши бор болалар бу мусобақада ўз қобилиятларини синов, голиблик учун ҳаракат қиладилар.

Қуйида мусобақанинг низом ва шартлари билан танишасиз.

МУСОБАҚАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ЖОЙИ ВА ВАҚТИ

Мусобақалар 1994 йил 6-8 май кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади. Мусобақа иштирокчиларини рўйхатга олиш 1994 йил 6 май куни эрталаб соат 11.00 да тўхтатилади. Иштирокчиларни рўйхатга олиш Ўзбекистон

Республикаси ўқувчилар техник ижодиёти Маркази биносида ўтказилади. Унинг манзили: Тошкент 700069, Корасарой, 3. Бобохонов кўчаси, 13а-уй.

Телефонлар: 48-11-71, 48-26-47.


МУСОБАҚА ИШТИРОКЧИЛАРИ

Мусобақаларда 1978 йилнинг 1 апрелидан кейин тугилган мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, лицейларнинг ўқувчилари иштирок этишлари мумкин. Мусобақа иштирокчиларининг сони чегараланмайди. Мусобақалар Ф-1-Д классдаги моделлар (қанотларининг чекка нукта ўлчови 65 см.гача бўлган илчам моделлар) бўйича ўтказилади. Ҳар бир вилоят мажбурий тартибда икки иштирокчидан иборат расмий команда рўйхатини ва вилоят умумий синов учун биттадан тренера ни тақдим этади. Мусобақа ташкилотчилари кўшимча команда тақдим этиш ҳуқуқига эгадирлар.

иштирокчига 6 мартаба парвоз ўтказиш имконияти берилди.

2. Команда ҳисобида иштирок этадиган ўқувчиларнинг натижалари команда ҳисобига киритилади.

3. Мусобақаларда ўқувчиларнинг назарий билимлари ҳам инобатга олинади.



МУКОФОТЛАШ

1. Биринчи ўринни эгаллаган иштирокчи Республика ўқувчилар техник ижодиёти Марказининг 1 даражали дипломи ҳамда қимматбаҳо соврин билан тақдирланади.

2. Иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган иштирокчилар шунга мувофиқ II ва III даражали дипломлар ҳамда қимматбаҳо совринлар билан тақдирланадилар.

3. Биринчи ўринни эгаллаган команда эса РЎТИМ нинг I даражали дипломи ва кубоги билан тақдирланадилар.

МОДДИЙ ТАЪМИНОТ


Иштирокчиларнинг йўл ҳамда мусобақалар давомидоғи барча ҳаражатлари (йўл кира ҳақи, овқатланиш, жойлашиш ва бошқалар) сафарга юборган ташкилот ҳисобидан бўлади.

РЎТИМ ўз ҳомийлари билан биргаликда мусобақа иштирокчиларини транспорт билан таъминлайди, голиблар учун совринлар ажратади.

ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

МУСОБАҚАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ

1. Ўқувчилар мусобақаларда иштирок этиш учун чекланмаган миқдорда моделлардан фойдаланишлари мумкин. Ҳар бир



Муҳарририяшимиз ғалабонида инча вақтлардан бери "сир" тугиб келинаётган бир талай мактублар бор. Бу мактубларнинг сирлилиги шундаки, улар ишқ мактублари, кўз ёшлар ёмғири, кўнгли бўғони, ўқитангиз, ён юракнинг тинмас дупурини эшитасиз, кўк сари талқинаётган улқак аланга тафтини сезасиз, алағгаки, тобидан, ҳапто қуёғи қизринар. Баъзисда эса "бу ўтқинчи экан", "мен севгига ишонмайман" каби сатрларга ошно тутинасиз. Не бўлганда ҳам бу туйғудан қочиш бўлмас.

Ушбу мактубларни эдиллаб, баҳсли бир мавзу очиб нияти анчадан буён бор эди бизда. Лекин бошлаган ишимизни ўқувчилар қандай қабул қилди, шунинг эҳтироҳи тўғри келадими, ота-оналари нима деб ўйлашади, қолаверса, урф-одат доираси бор, деган оқдонишли фикрлар устида кўз вақт ўйладик. Ниҳоят, ҳиссиёт аввалбори мактаб даврларида ҳам бўлади-ку, деган асосли фикрмага келгач, газетада ёл қалб "сир"ларини ошкор этишга жазм этдик.

Хилласки, қизариб ишқ урган атиргулимиз барқ уриб очилади, деб ўйлайми. Бунинг учун албатта Сизнинг "сирли" мактубларингиз унга даржон бўлади.

Туйғу фасли

(Насрий сонет)

1

Унинг икки туши бўларди: бирини баҳорда, иккинчисини кузакда кўрганди. Ва бу оралик маефани "Туйғу фасли" деб атаганди.

2.

Аниқ едида, тушида...

... кўм-кўк дарахтзормиш, дарахтзорда анорлар етилганмиш, бирам қизил, бирам чиройли, бирам юмалок. Бу ен ўтиб қаради, у ен ўтиб қаради... Кўнгли кетди, суқланди. Боғоро кирмоқ ва анорни узмоқ истади.

Лекин —

дарахтзор қалин ва поенсиз эди. Кейин кимсасиз саҳрода, қаёққадир елғиз кетаётган кўрди ўзини. Ўзича: "кўм-кўк

Шарунас: — Кўшиқлар? Сенинг кўшиқларингда қандай сўз бўлмасин, ҳаммаси ёлгон.

Вайдулис: — Кўшиқлар узоқ замонларда, тўқилган: ота-оналаримиз шундай қуйлашган, биз ҳам шундай қуйлаймиз...

Винцас Крвен. "Шарунас".

айблардим, дугоналарим билан "ҳиссиёт фалсафаси" тўғрисида фикрлашмасдим, ўз майлимча хонамга қамалиб, кўғирчоғим билан ўйнади, бу ҳолимдан уялибгина у билан "сир"ларим тўғрисида дардлашар еки хаёл сурардим (билмайсиз — менингда кўз ўнгимда қанчадан-қанча шарпалар, қиёфалар ўтганин, эҳ-хе...) лекин улар саробларча тезда тарқаб кетарди. Чунки бунинг ҳаммаси хаёлот олами ичра содир бўларди-да!

Бугун эса Уни учратдим. У ки... "Кизик, — деб ўйлардим хонада ой шуғласида фарқ бўлиб елғиз ўтирганимча,

ўтирган хонада кўраман. Лекин негадир ҳамма жим, кўзларда бегонасираш балққан. Мен ҳам бўш жойлардан бирига омонатгина чўкаман. Шунда: "Бу жой меники эди, энди сен ўтирасанми?" деган екимли овоздан сергак тортаман. Қарасам, юзларидан ярим кулгиб учиб у туради. У ки жуда чиройли. Бу қарашларни негадир бузгим келмайди, ойлар, йиллар, асрлар бу оний дақиқа олдида ҳечдек туюлади. Банагоҳ айтилган биргина сўз тонготардаги совуқ товуш каби чўчиб қабулланади. Сўраб билдим, унинг исми Латифа экан.

солмади, булбулнинг тилига тушиб, сўнгсиз сайрадим, турналар қаторига тушиб, узоқларга қанот қокдим, Лайлининг чўлдаги итига эргашиб, адоқсиз югурдим... Баланд қорли тоғлар этагидан йикилиб-сурилиб сен учун бир даста лолақизғалдоқ териб келганларимни ва уларни юрак қоним билан суғорганимни билмасан, эҳ билмасан! У, Латифа, буларни бирдан йўқ қилмоқ истайсанми! Наҳотки, ҳаммасига менинг ўрта хол туришим ҳалал бергай?!

Бахтиёрлик бахш этгувчи мактубингни кутиб

Қ. Қ.

Тўрт йил ўтиб, ундан хат келди. Эмиш-ки, у мен учун ушалмас армон бўлиб, ишқ йиғлатадиган эзгин-эзгин емғир афсона эмиш.

Бир кун қишлоқдан чеккага чиқдим у хатга чоқ қазидим, аввал хатни еқиб, сўнг кўмдим.

Кўнгилда бир қабр йиғлар.

Қабрки, пок амр қуйлар

Билмасан!

Оғир савол

Синфимизда Матлуба исми бир қиз бор эди. У ниҳоятда гўзал эдики, унга тик қараш оғир эди. Гўёки у кўзгую қарасангиз, ўз хунуқлигиниз акс этарди. Болаларнинг ҳаммаси "Матлуба" деса, ўзларини томдан ташлашарди. У учун қанча жанжалу мушталашувлар бўлмади, дейсиз, эҳ-хе...

Мен ҳам унга гойибона ошиқ эдим. Лекин унга ҳеч вақт айтмаганман, айтолмаганман, негаки, айтгану мактуб езганлар қанча эди. Ҳаммасига жавоб битта бўларди: "Йўқ!" Мен шу жавобдан кўркардим.

Бундан синфдош қизларимизнинг ичи куярди. "Нега? — дейишарди улар, — яхши кўришга елғиз Матлуба?"

Барибир биз уларни тушунолмасдик. Фақат гўзалликингина яхши кўриш мумкин, деб ўйлардик.

Бир кун дарсдан қайтаётганимизда Нодира айтиб қолди:

— Нега сизлар фақат Матлубага эргашасизлар? Ахир бошқа қизлар ҳам бор-ку?

О, унинг жасурлигига қаранг, худди Раёно дейсиз, тап тортмай айтди-я, уялиб кетдим. Саволи ҳам оғир эди, унга жавоб бериш дарғумон эди.

— Билмайман, — дедим. — Билганлар айтсин.

— Биласан, — деди у. — Чунки бу ҳис сенинг кўнглингда ҳам бор, ҳиски, ҳар қуни сени безовта қилади. Билсанг агар одамнинг сўзи эмас, кўз сўзлайди.

— Ёлгон, — дедим. — Мен уни бошқача яхши кўраман.



— Қанақа?.. Хўп майли. Сен нега мени яхши кўролмайсан, — деди у бирдан. — Ахир менда ҳам...

Унга тикилиб пиқ этиб кулиб юбордим. Сўнг кулганим учун ўзимдан ранжиб кетдим. Чунки у хафа бўлиб кетиб қолганди. Менинг кулгимга сабаб бўлган нарса унинг бақалоқлигину "Мени яхши кўр" дейиши эди.

Баъзан ўйлаб қоламан: "нега энди Нодирани ҳам яхши кўриш мумкин эмас? Бақалоқлиги сабабми? Матлубадаги

гўзаллик ҳам ўткинчи-ку? Қизик, ҳаммаси сирли.

Сиз нима деб ўйлайсиз?
Н. А.



Ишқнинг нолимига келган мактублар

дарахтзорга кетаётган бўсам керак", деб фикр юритди.

3.

...ниҳоят етган бўлди дарахтзорга, лекин анорлар узилган, дарахтзор шамолда хувилларди, у танимайдиган — бутунлай бошқа анорларни териб олиб, сувини пиёлага сиқиб турарди.

— Ота, — деди у ўкинч ва фарёд, қайғу ва изтироб зуҳур этган намли кўзларини илтижоли унга тикиб. — Нега яна шунча азоб?

— Ишқ илоҳийдир, — жавоб берди чол унга назар ҳам солмай ўз ишини давом эттирар экан.

Дарахтзорда кузак кезинарди, лекин унинг тасавурида кўк дарахтзор шовулларди...

Изтироб

Уни тўйда кўрдим, кўрдиму туйқус ўзимни-ўзимга бегона сеза бошладим, шу ешимгача менга сирдош бўлган кўғирчоғимга муносабатим ўзгарди қолди, у тўғрисида умуман ўйламай кўйдим, у — бу бурчакларда мунгайиб ётадиган бўлди. Чунки фикру едим...

Эҳ, ҳамма нарса, чалқаш, чалқаш, ўзи шундай бўлармиш. Келинг яхшиси изтиробларимни есай. Битта узрим — унинг исмини айтолмайман-бусир.

Мени тўйдаги қарашлар ҳайратга солди, лекин иккинчи томондан "Тушунисиз ҳолат" деган дахшатли ўй босди. Буну тушунарсиз. Мен эса тушунтиролмаган, чунки ўзимни-ўзим тушунмаганман...

Йўқса, унча-мунча китоб ҳам ўқиганман, фикрлаш доирам ҳам чакки эмас. Шундай бўлса, ҳар вақт ўзимни кўп нарсаларни билмасдикда

— бир марта кўришдигу худди бир аср наридан буён танишимиз, юзхотиримиз. Ёзиглиг деганлари шу бўлса керак. Орамизда масофа борга ўхшайдию бироқ шу қадар яқинки, у менга тикилганда қандай қизариб кетдим. Қизариш — қалб гўзаллигининг намоён бўлиши, деб изоҳланади китобларда. Ҳаммаси кизик!"

Шу зайлда ўзимга ошно бўлаётган ҳис тўғрисида кўп ўйладим, чунки бу ҳис менинг қараш ва тушунчаларимни бутунлай остин-устун қилиб ташлагач, ҳаддан зиёд кўп нарсаларга тушуниб етаётгандек сезардим ўзимни.

Ёш қиз алмаштирар кўп мартаба чин Ҳаёллари билан енгил фикрни деган шоир фикри қалбимдан мўралаганда, ўзимни ухлагча мажбур қилдим, аммо кўз ўнгимда йириклашаётган олов кўринаверди, англадикки, бу ўткинчи эмас.


Ўзимни елғиз сеза бошладим, бироқ илгарилари ҳам елғиз эдим, аммо ҳеч вақт бу "хувиллаш"дан нолимасдим, чунки елғизлигимда ҳамроҳим кўғирчоқ бўларди.

Тонгга қадар ўй сурдим, тонготарда чарчоқ устунлик қилди ва шу қадар ширин, шу қадар осовиш уйқуга кетдикки...

НИГОРА

Латифа

Эсимда тургани шу: эрта тонг, қаршимда катта бино, кўлимдан онам тутганича "Бу — мактаб, энди сен ҳам ўқийсан, етар, шунча кўча қангитганинг, хайр болалигим деда, илгарилар". Она айтганини қиламан, остона ҳатлайман ва ўзимни кенг, тоза, ўттизгача болалар



Барибир кўнгли кўнгли экан, унга интилишим сўнмасди. Аксинча, қатроқ талпинишни сезардим. Яна бир бор ўзимни синаб кўрмоқчи бўлиб, дилдан хат ездим.

"Ёдингдами, Латифа, биринчи синфдаги воқеа: мен сенинг жойингга ўтириб олганимда, "Бу жой меники эди, энди сен ўтирасанми?" деганинг. Билсанг, ўшанда сен мени еки мен сени, йўқ, тўғрироғи, сен мени кашф этгандинг, ҳа, ҳа, менга ишонавер, кашф этгандинг. Худди шу кашфиетинг мени не қуйларга

Саҳифани Шакар СУННАТОВ тайёрлади

